

Қувайт миллий Қуръон мусобақаси иштирокчилари сони 2000 тага етди

07:10 / 17.01.2019 1986

Қувайт миллий Қуръон мусобақасига рўйхатга олиш давом этмоқда. Шу кунгача “Al-Kharafi” XXII миллий Қуръон мусобақаси рўйхатидан ўтган иштирокчилари сони 2000 тага етди, деб хабар беради mugtama.com сайти.

Мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Носир Ҳамид Дабуснинг маълум қилишича, www.kharafiquran.com сайти орқали рўйхатдан ўтиш муддати 7 февраль куни ўз якунига етади. У шунингдек, мусобақа имкон қадар барча ёшдаги фуқароларни қамраб олиши ва унда маҳаллий аҳоли билан бирга муҳожирлар ҳам қатнашишлари мумкинлигини эътироф этган.

Танлов шартларига кўра, 30-жузни тажвид қоидалари билан ёддан ўқиш, танланган битта жузни ҳамда алоҳида танланган учта жузни тажвид билан ёддан ўқиб бериш мусобақанинг учта йўналиш шартлари деб белгиланган. Биринчи йўналиш 8 ёшгача бўлган болалар, иккинчи йўналиш 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ва учинчи йўналиш 25 ёшгача бўлган ёшларга мўлжалланган. Қолган ёшдаги иштирокчилар тажвид қоидаларига риоя этган ҳолда бешта жузни ёддан ўқиб бериш борасида рақобат қиладилар. Қўмита раиси имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам тегишли ҳамкор

ташкнлотлар билан алоҳида Қуръони карим мусобақаси ўтказилиши режалаштирилганини эслатиб ўтган.

Islom.uz